O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga soliq va tadbirkorlik sohasidagi huquqiy munosabatlarni takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 17.04.2026 yildagi O‘RQ-1131-son

Старая редакция	Новая редакция
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ	
179-модда. Сохта тадбиркорлик Сохта тадбиркорлик, яъни **уставида кўрсатилган** фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида **корхоналар ва бошқа** тадбиркорлик **ташкилотлари тузиш** — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки **беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд** уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.	179-модда. Сохта тадбиркорлик Сохта тадбиркорлик, яъни **тадбиркорлик** фаолиятини амалга ошириш максадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида тадбиркорлик **субъектини ташкил этиш**, – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари **ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб**, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки **бир йилдан** уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади
184-модда. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа	184-модда. Солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа

Старая редакция	Новая редакция
объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек **давлат томонидан белгиланган** солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир юз эллик** бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки **бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш ёхуд **уч йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки **уч йилдан**	объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари **ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади. Солиқлар**ни** ёки йиғимлар**ни** тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз** бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки **уч йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш ёхуд **уч йилдан беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки **беш йилдан**

Старая редакция	Новая редакция
беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Биринчи марта жиноят содир этган шахс, **агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини** тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.	**етти йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. **Агар биринчи марта жиноят содир этган шахс солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини терговга қадар текширув, тергов ва биринчи инстанция суди босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар** тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади. **Ушбу моддада назарда тутилган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг анча миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан олти юз бараваригача, кўп миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваридан минг бараваригача, жуда кўп миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор ҳисобланади**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ	
391-модда. Терговга қадар текширувни амалга	391-модда. Терговга қадар текширувни амалга

Старая редакция	Новая редакция
оширувчи органлар Терговга қадар текширув қуйидагилар томонидан амалга оширилади: 1) ички ишлар органлари; 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича; 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича; 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур	оширувчи органлар Терговга қадар текширув қуйидагилар томонидан амалга оширилади: 1) ички ишлар органлари; 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича; 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича; 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур

Старая редакция	Новая редакция
муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича; 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича; 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; 8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича; 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — **бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги** ишлар бўйича; 10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга	муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича; 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича; 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; 8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича; 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари – **уларнинг юритувига тааллуқли** ишлар бўйича 10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга

Старая редакция	Новая редакция
лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашишга, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича; 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича. 13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича. 14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига	лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашишга, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича; 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича. 13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича. 14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига

Старая редакция	Новая редакция
мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли. Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.	мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли. Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.
41-модда. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларни жиноят ҳақида хабардор қилиш Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар	42-модда. Жамоат бирлашмаларини, жамоаларни **ва тадбиркорлик субъектининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган вакилини** жиноят **иши** ҳақида хабардор қилиш Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар

Старая редакция	Новая редакция
беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.	беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради. **Суриштирувчи, терговчи ёки суд тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишини иш юритувга қабул қилганлиги ҳақида тадбиркорлик субъектининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига хабар беради**
	44¹-модда. Тадбиркорлик субъектининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган вакили. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тайинланган вакил тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд жараёнида тадбиркорлик субъектининг талабига кўра жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиши мумкин.**

Старая редакция	Новая редакция
	Жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган вакил ушбу Кодекснинг 44-моддасида назарда тутилган жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси	
174-модда. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш **Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд** солиқлар **ва** йиғимлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн баравари,** мансабдор шахсларга эса — **ўн беш баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма баравари** миқдорида, мансабдор шахсларга эса — **ўттиз баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади. Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим	174-модда. Солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш **Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек** солиқларни **ёки** йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, — фукароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш** бараваридан **йигирма беш бараваригача,** мансабдор шахсларга эса – **йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса, – фукароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз бараваридан эллик бараваригача,** мансабдор шахсларга эса – **эллик бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим

Старая редакция	Новая редакция
этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан уч бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. **Ушбу моддада назарда тутилган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг анча миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан олти юз бараваригача бўлган миқдор ҳисобланади**
264-модда. Давлат солиқ органлари, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари** Давлат солиқ органларига, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларига** ушбу Кодекс 159^{1}, 168-моддасида, 174-моддасининг учинчи қисмида, 215^{3}-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Ушбу Кодекс 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва	264-модда. Давлат солиқ органлари Давлат солиқ органларига ушбу Кодекс 159^{1}, 168-моддаларида, 174-моддасининг учинчи қисмида, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 215^{3}-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари **давлат солиқ органлари номидан** ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган

Старая редакция	Новая редакция
еттинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар **давлат солиқ органларига** тааллуқлидир. Давлат солиқ органларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари **ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар бўлимларининг бошлиқлари тегишинча** ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган **органлар номидан** маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар.	маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир
	264^{3}-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари **Ушбу Кодекс 61, 61^{1}, 164, 165^{1}, 170, 171^{1}-моддаларида, 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 175^{2}, 176, 179^{3}, 179^{5}, 186^{1}, 193^{1} ва 193^{2}-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош**

Старая редакция	Новая редакция
	прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ	
539-модда. Мулк ижараси шартномасининг шакли Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай	539-модда. Мулк ижараси шартномасининг шакли Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши **ва солиқ органларида ҳисобга қўйилиши** лозим**, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Кўчмас мулк ижараси шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади** Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай

Старая редакция	Новая редакция
мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.	мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.
574-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси давлат солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.	574-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Фуқаролар **ва (ёки) юридик шахслар** ўртасида тузилган бинони ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси давлат солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим, **бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно** Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси	
110-модда. Пеня	110-модда. Пеня

Старая редакция	Новая редакция
Солиқ тўловчи солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқларни тўлаш муддатини бузган тақдирда тўлаши лозим бўлган пул суммаси пенядир. Тегишли пеняларнинг суммаси тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларидан ташқари ва солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга доир бошқа чоралар, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар тўланади. Пенялар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ҳисобланади. Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисида ариза берилганлиги тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига пенялар ҳисобланишини тўхтатиб турмайди. Солиқ тўловчи, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ёки пул маблағларига тақиқ қўйилиши шаклидаги солиқ органининг ундириш тўғрисида таъминот чоралари ҳақидаги қарори қабул қилинганлиги сабабли тўлай олмаган солиқ қарзига пеня ҳисобланмайди. Бундай	Солиқ тўловчи солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқларни тўлаш муддатини бузган тақдирда тўлаши лозим бўлган пул суммаси пенядир. Тегишли пеняларнинг суммаси тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларидан ташқари ва солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга доир бошқа чоралар, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар тўланади. Пенялар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ҳисобланади. Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисида ариза берилганлиги тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига пенялар ҳисобланишини тўхтатиб турмайди. Солиқ тўловчи, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ёки пул маблағларига тақиқ қўйилиши шаклидаги солиқ органининг ундириш тўғрисида таъминот чоралари ҳақидаги қарори қабул қилинганлиги сабабли тўлай олмаган солиқ қарзига пеня ҳисобланмайди. Бундай

Старая редакция	Новая редакция
ҳолда пенялар кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бутун амал қилиш даври учун ҳисобланмайди.	ҳолда пенялар кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бутун амал қилиш даври учун ҳисобланмайди.
Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида ёки солиқ тўғрисидаги қонунчиликни қўллашга доир бошқа масалалар бўйича молия ёки солиқ органи (унинг мансабдор шахси) томонидан ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига ёки номуайян доирадаги шахсларга берилган ёзма тушунтиришларни бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига пеня ҳисобланмайди.	Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида ёки солиқ тўғрисидаги қонунчиликни қўллашга доир бошқа масалалар бўйича молия ёки солиқ органи (унинг мансабдор шахси) томонидан ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига ёки номуайян доирадаги шахсларга берилган ёзма тушунтиришларни бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига пеня ҳисобланмайди.
Пенялар солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида солиқ органининг солиқ тўловчига юборилган асосли фикрини бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига ҳам ҳисобланмайди.	Пенялар солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида солиқ органининг солиқ тўловчига юборилган асосли фикрини бажариши натижасида солиқ тўловчида ҳосил бўлган солиқ бўйича қарз суммасига ҳамда **қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар бўйича ундирилган маблағлар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисобварақларидан бюджетга ўтказилган кунга қадар шу маблағлар суммасига** ҳисобланмайди.
Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзига мазкур ижро ҳужжатлари ушбу Реестрга киритилган санадан эътиборан пеня ҳисобланмайди.	Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзига мазкур ижро ҳужжатлари ушбу Реестрга киритилган санадан эътиборан пеня ҳисобланмайди.
Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмларида	Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмларида

Старая редакция	Новая редакция
кўрсатилган ҳолатлар, шу органнинг моҳияти ва мазмунига кўра солиқ қарзи ҳосил бўлган солиқ (ҳисобот) даврларига тааллуқли тегишли ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, шундай ҳужжат қабул қилинган санадан қатъи назар, аниқланади.	кўрсатилган ҳолатлар, шу органнинг моҳияти ва мазмунига кўра солиқ қарзи ҳосил бўлган солиқ (ҳисобот) даврларига тааллуқли тегишли ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, шундай ҳужжат қабул қилинган санадан қатъи назар, аниқланади.
Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари қоидалари, агар солиқ органининг мазкур ёзма тушунтиришлари ёки асослантирилган фикри солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотга асосланган бўлса, қўлланилмайди.	Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари қоидалари, агар солиқ органининг мазкур ёзма тушунтиришлари ёки асослантирилган фикри солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотга асосланган бўлса, қўлланилмайди.
Ҳар бир кечиктирилган кун учун пенялар солиқнинг тўланмаган суммасидан келиб чиқиб фоизларда белгиланади.	Ҳар бир кечиктирилган кун учун пенялар солиқнинг тўланмаган суммасидан келиб чиқиб фоизларда белгиланади.
Пенянинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг этиб қабул қилинади.	Пенянинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг этиб қабул қилинади.
Пенялар тегишли солиқ тўланадиган бюджетга (давлат мақсадли жамғармасига) тўланади.	Пенялар тегишли солиқ тўланадиган бюджетга (давлат мақсадли жамғармасига) тўланади.
Пенялар солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан, шунингдек солиқ тўловчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда ундирилиши мумкин.	Пенялар солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан, шунингдек солиқ тўловчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан ушбу Кодекснинг 15-бобида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда ундирилиши мумкин.

Старая редакция	Новая редакция
Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш ушбу Кодекснинг 121 — 124-моддаларида назарда тутилган тартибда, бошқа жисмоний шахслардан эса — ушбу Кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Ушбу Кодекснинг 120-моддаси еттинчи — саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш суд тартибида амалга оширилади. Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар солиқ агентларига ҳам татбиқ этилади.	Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш ушбу Кодекснинг 121 — 124-моддаларида назарда тутилган тартибда, бошқа жисмоний шахслардан эса — ушбу Кодекснинг 125-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Ушбу Кодекснинг 120-моддаси еттинчи — саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан пеняни мажбурий равишда ундириш суд тартибида амалга оширилади. Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар солиқ агентларига ҳам татбиқ этилади.
212-модда. Жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айни бир ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.	212-модда. Жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айни бир ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. **Агар жисмоний шахс томонидан содир этилган**

Старая редакция	Новая редакция
	солиққа оид ҳуқуқбузарликда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.
Юридик шахснинг солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарликка тортилишига мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги факти солиқ органининг кучга кирган қарорида аниқланганлиги асос бўлади.	Юридик шахснинг солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарликка тортилишига мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги факти солиқ органининг кучга кирган қарорида аниқланганлиги асос бўлади.
Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ёки қонунда назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод этмайди.	Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ёки қонунда назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод этмайди.
Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши уни тўланиши керак бўлган солиқлар (йиғимлар) ва пеняларнинг суммаларини тўлаш (ўтказиш) мажбуриятидан озод этмайди.	Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши уни тўланиши керак бўлган солиқлар (йиғимлар) ва пеняларнинг суммаларини тўлаш (ўтказиш) мажбуриятидан озод этмайди.
Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор эмаслигини	Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор эмаслигини

Старая редакция	Новая редакция
исботлаши шарт эмас. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик факти ва шахснинг уни содир этишда айбдорлиги тўғрисида далолат берувчи ҳолатларни исботлаш мажбурияти солиқ органларининг зиммасига юклатилади.	исботлаши шарт эмас. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик факти ва шахснинг уни содир этишда айбдорлиги тўғрисида далолат берувчи ҳолатларни исботлаш мажбурияти солиқ органларининг **ёки бундай ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ваколатли органларнинг** зиммасига юклатилади.
243-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма Агар ушбу Кодекснинг 260-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагиларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади: 1) мактабгача таълим ташкилотларида болаларга қараш бўйича хизматларни; 2) беморлар ва кексаларни парвариш қилиш бўйича хизматларни; 3) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматларини, диний ашёларни, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмалар томонидан удумларни ва маросимларни ўтказишга доир хизматларни; 4) протез-ортопедия буюмларини, ногиронлиги бўлган шахслар учун инвентарни, шу жумладан ушбу	243-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма Агар ушбу Кодекснинг 260-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагиларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади: 1) мактабгача таълим ташкилотларида болаларга қараш бўйича хизматларни; 2) беморлар ва кексаларни парвариш қилиш бўйича хизматларни; 3) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматларини, диний ашёларни, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмалар томонидан удумларни ва маросимларни ўтказишга доир хизматларни; 4) протез-ортопедия буюмларини, ногиронлиги бўлган шахслар учун инвентарни, шу жумладан ушбу

Старая редакция	Новая редакция
буюмлар ва инвентарни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинадиган буюмлар ва инвентарни, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларга ортопедик протезлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмларини ва инвентарни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни; 5) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотларини ушбу муассасалар томонидан реализация қилиш; 6) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар ва хизматларни; 8) пенсиялар ва нафақалар тўлашга доир хизматларни; 10) ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларни, шу жумладан тест синовлари ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш хизматларини, хусусан:	буюмлар ва инвентарни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинадиган буюмлар ва инвентарни, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларга ортопедик протезлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмларини ва инвентарни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни; 5) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотларини ушбу муассасалар томонидан реализация қилиш; 6) ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган **ишлаб чиқарилган** товарларни, **кўрсатилган** хизматларни 8) пенсиялар ва нафақалар тўлашга доир хизматларни; 10) ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларни, шу жумладан тест синовлари ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш хизматларини, хусусан:

Старая редакция	Новая редакция
бошланғич, ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги таълим хизматларини; таълим муассасалари (ташкилотлари), шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича хизматларни; мактабгача таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим ва тарбиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда болаларга қараш ва уларни парваришлаш бўйича хизматларни, тўгаракларда, секцияларда (шу жумладан спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича хизматларни; 14) санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматларини, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни. Ушбу банднинг мақсадида: а) санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан	бошланғич, ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги таълим хизматларини; таълим муассасалари (ташкилотлари), шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича хизматларни; мактабгача таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим ва тарбиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда болаларга қараш ва уларни парваришлаш бўйича хизматларни, тўгаракларда, секцияларда (шу жумладан спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича хизматларни; 14) санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматларини, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни. Ушбу банднинг мақсадида: а) санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан

Старая редакция	Новая редакция
уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган, улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, йўлланмалар ёки жойсиз даволаниш учун бериладиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлар киради; б) бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари жумласига, хусусан, спорт иншоотларида, мактабларда, клубларда спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишга оид хизматлар, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари, спорт мусобақаларини ёки байрамларини, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш бўйича хизматлар, шунингдек мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш киради; 16) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг	уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган, улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, йўлланмалар ёки жойсиз даволаниш учун бериладиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлар киради; б) бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари жумласига, хусусан, спорт иншоотларида, мактабларда, клубларда спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишга оид хизматлар, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари, спорт мусобақаларини ёки байрамларини, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш бўйича хизматлар, шунингдек мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш киради; 16) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг

Старая редакция	Новая редакция
ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга уй-жой мулкдорлари ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради; 16-1) бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бажарилаётган ишлар; 17) товарларни (хизматларни), агар товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бепул амалга оширилса; 18) қимматбаҳо металлардан ишланган банк ва ўлчовли қуймаларини, қимматбаҳо металлардан ишланган қуйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлардан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металларнинг ўлчов	ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга уй-жой мулкдорлари ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради; 16-1) бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бажарилаётган ишлар; 17) товарларни (хизматларни), агар товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бепул амалга оширилса; 18) қимматбаҳо металлардан ишланган банк ва ўлчовли қуймаларини, қимматбаҳо металлардан ишланган қуйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлардан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металларнинг ўлчов

Старая редакция	Новая редакция
пластиналари ва гранулаларини, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни; 19) божсиз савдо божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни; 20) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ваколатли органлар, ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни, агар бундай хизматлар кўрсатиш шарт эканлиги қонунчиликда белгиланган бўлса, фаолиятнинг муайян соҳасида ушбу органлар ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган алоҳида ваколатларни бажариш доирасида давлат божи ёки бошқа тўловлар ундирилади; 21) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроққа оид ва геоботаника ишларини; 23) халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинадиган товарларни (хизматларни), агар уларни солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса; 25) телекоммуникация тармоқларида оператив-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;	пластиналари ва гранулаларини, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни; 19) божсиз савдо божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни; 20) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ваколатли органлар, ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни, агар бундай хизматлар кўрсатиш шарт эканлиги қонунчиликда белгиланган бўлса, фаолиятнинг муайян соҳасида ушбу органлар ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган алоҳида ваколатларни бажариш доирасида давлат божи ёки бошқа тўловлар ундирилади; 21) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроққа оид ва геоботаника ишларини; 23) халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинадиган товарларни (хизматларни), агар уларни солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса; 25) телекоммуникация тармоқларида оператив-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

Старая редакция	Новая редакция
26) меценатлик кўмаги тарзида бериладиган (кўрсатиладиган) товарларни (хизматларни); 26-1) давлат мол-мулкини, шу жумладан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини; 27) ушбу Кодекснинг 244-моддасида назарда тутилган молиявий хизматларни; 28) ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган ҳаётни суғурта қилиш хизматларини ва бошқа суғурта хизматларини. Ушбу моддада санаб ўтилган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланма солиқ тўловчиларда бундай фаолиятни амалга ошириш учун тегишли лицензиялар ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, агар унинг амалга оширилишини лицензиялаш лозим бўлса ёки рухсат этувчи ҳужжатлар талаб этса, қонунчиликка мувофиқ солиқ солишдан озод этилади. Солиқ солинадиган айланмаларни ва ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 268-моддасига мувофиқ айланмаларнинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.	26) меценатлик кўмаги тарзида бериладиган (кўрсатиладиган) товарларни (хизматларни); 26-1) давлат мол-мулкини, шу жумладан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини; 27) ушбу Кодекснинг 244-моддасида назарда тутилган молиявий хизматларни; 28) ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган ҳаётни суғурта қилиш хизматларини ва бошқа суғурта хизматларини. Ушбу моддада санаб ўтилган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланма солиқ тўловчиларда бундай фаолиятни амалга ошириш учун тегишли лицензиялар ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, агар унинг амалга оширилишини лицензиялаш лозим бўлса ёки рухсат этувчи ҳужжатлар талаб этса, қонунчиликка мувофиқ солиқ солишдан озод этилади. Солиқ солинадиган айланмаларни ва ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 268-моддасига мувофиқ айланмаларнинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.
369-модда. Жами даромадга киритилмайдиган	369-модда. Жами даромадга киритилмайдиган

Старая редакция	Новая редакция
даромадлар Қуйидагилар жами даромад таркибига киритилмайди: 1) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчи олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти, совғалар ва бюджет субсидиялари; 2) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари томонидан қон олганлик учун олинадиган суммалар; 3) олинган алиментлар; 4) фуқаролар томонидан олинадиган суғурта товони суммалари; 5) қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва тартибда тўланадиган стипендиялар; 6) қонунчиликка мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;	даромадлар Қуйидагилар жами даромад таркибига киритилмайди: 1) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган солиқ тўловчи олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти, совғалар ва бюджет субсидиялари; 2) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари томонидан қон олганлик учун олинадиган суммалар; 3) олинган алиментлар; 4) фуқаролар томонидан олинадиган суғурта товони суммалари; 5) қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва тартибда тўланадиган стипендиялар; 6) қонунчиликка мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

Старая редакция	Новая редакция
7) давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш бўйича нафақа) мустасно; 8) мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари. 9) ўқувчилар ва талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўгаракларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари; 10) Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар. Солиқ агентларининг ушбу Кодекснинг 386-	7) давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш бўйича нафақа) мустасно; 8) мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари. 9) ўқувчилар ва талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўгаракларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари; 10) Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар. **11) эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида мулкдорларга ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун тўланган компенсация суммаси** Солиқ агентларининг ушбу Кодекснинг 386-

Старая редакция	Новая редакция
моддасида назарда тутилган жисмоний шахс фойдасига амалга оширадиган қуйидаги харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди: 1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлари; 2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно; 3) фавқулодда ҳолатлар муносабати билан етказилган зараплар суммаси доирасида бериладиган моддий ёрдам суммалари; 4) ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш бўйича харажатлари; 5) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини	моддасида назарда тутилган жисмоний шахс фойдасига амалга оширадиган қуйидаги харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди: 1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлари; 2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно; 3) фавқулодда ҳолатлар муносабати билан етказилган зараплар суммаси доирасида бериладиган моддий ёрдам суммалари; 4) ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб қайтиш бўйича харажатлари; 5) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини

Старая редакция	Новая редакция
олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлари; 6) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича харажатлар; 7) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб боришга, жой ижарасига (йўл харажатлари учун бериладиган пул) оид харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан бакалавриатни ёки магистратурани тамомлагандан сўнг уч йил ичида ишга қабул қилинган ходимларга, шунингдек мазкур олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган	олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлари; 6) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича харажатлар; 7) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб боришга, жой ижарасига (йўл харажатлари учун бериладиган пул) оид харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан бакалавриатни ёки магистратурани тамомлагандан сўнг уч йил ичида ишга қабул қилинган ходимларга, шунингдек мазкур олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган

Старая редакция	Новая редакция
оилавий шифокорлик пунктларига ва оилавий поликлиникаларга ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган, бошқа ҳудудларда яшайдиган олий маълумотли шифокорларга ва мутахассисларга тўланадиган бошланғич ёрдам пули; 8) хизмат сафарларига оид қуйидаги компенсация тўловлари: тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда; уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар; қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган	оилавий шифокорлик пунктларига ва оилавий поликлиникаларга ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган, бошқа ҳудудларда яшайдиган олий маълумотли шифокорларга ва мутахассисларга тўланадиган бошланғич ёрдам пули; 8) хизмат сафарларига оид қуйидаги компенсация тўловлари: тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда; уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар; қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган

Старая редакция	Новая редакция
кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар); қонунчиликда белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар; 9) қонунчиликда назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар): доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар); хизмат ишларида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно; дала таъминоти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан бакалавриатни ёки магистратурани тамомлагандан сўнг уч йил ичида ишга қабул қилинган ходимларга, шунингдек мазкур олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган оилавий шифокорлик пунктларига ва оилавий поликлиникаларга ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган, бошқа ҳудудда	кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар); қонунчиликда белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар; 9) қонунчиликда назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар): доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар); хизмат ишларида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно; дала таъминоти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан бакалавриатни ёки магистратурани тамомлагандан сўнг уч йил ичида ишга қабул қилинган ходимларга, шунингдек мазкур олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган оилавий шифокорлик пунктларига ва оилавий поликлиникаларга ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган, бошқа ҳудудда

Старая редакция	Новая редакция
яшайдиган олий маълумотли шифокорларга ва мутахассисларга уй-жой ижараси учун ҳар ойлик пул компенсацияси; қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 373 ва 377-моддаларида кўрсатилганлари мустасно; 10) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар. жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади); махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи миқдоридаги тўловлар;	яшайдиган олий маълумотли шифокорларга ва мутахассисларга уй-жой ижараси учун ҳар ойлик пул компенсацияси; қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 373 ва 377-моддаларида кўрсатилганлари мустасно; 10) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар. жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади); махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи миқдоридаги тўловлар;

Старая редакция	Новая редакция
жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 фоизи миқдоридаги тўловлар; ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар; 11) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар: марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар; боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар; 12) ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида	жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 фоизи миқдоридаги тўловлар; ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар; 11) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар: марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар; боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар; 12) ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида

Старая редакция	Новая редакция
ўтказиладиган маблағлар; 12-1) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг истеъдодли ва иқтидорли фарзандларини, шунингдек махсус контингентдаги тарбияланувчиларнинг муайян сонини бепул ўқитиш билан боғлиқ харажатлари; 13) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари. 14) солиқ тўловчининг мижозларнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш фаоллигини оширишга қаратилган ва бонуслар (баллар, мижозни ушбу ташкилотлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиш фаоллигини белгиловчи бошқа бирликлар) ҳисобланишини назарда тутувчи дастурларда иштироки натижасида ушбу дастурда белгиланган асослар бўйича олинган пул ва натура шаклидаги даромадлари. Даромадлар солиқ тўловчининг жами даромадига қуйидаги ҳолларда қўшилади: солиқ тўловчининг ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган дастурларда иштирок этиши	ўтказиладиган маблағлар; 12-1) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг истеъдодли ва иқтидорли фарзандларини, шунингдек махсус контингентдаги тарбияланувчиларнинг муайян сонини бепул ўқитиш билан боғлиқ харажатлари; 13) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари. 14) солиқ тўловчининг мижозларнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш фаоллигини оширишга қаратилган ва бонуслар (баллар, мижозни ушбу ташкилотлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиш фаоллигини белгиловчи бошқа бирликлар) ҳисобланишини назарда тутувчи дастурларда иштироки натижасида ушбу дастурда белгиланган асослар бўйича олинган пул ва натура шаклидаги даромадлари. Даромадлар солиқ тўловчининг жами даромадига қуйидаги ҳолларда қўшилади: солиқ тўловчининг ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган дастурларда иштирок этиши

Старая редакция	Новая редакция
очиқ оферта шартларисиз амалга оширилганда; солиқ тўловчи ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мамлакатимиздаги ва чет эл ташкилотларининг дастурларига, уларда акцепт муддати ўттиз кундан кам ва (ёки) уларда оммавий офертани муддатидан олдин чақириб олиш имконияти назарда тутилган шартлар асосидаги очиқ офертага қўшилганда; ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотчи билан лавозим мажбуриятларини бажаришда меҳнат муносабатларида бўлган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёки моддий ёрдам сифатидаги тўлов шаклидаги даромад тўланганда. 15) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия, экология жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан ташкил этилган бошқа жамғармалар томонидан кўрсатилган ёрдам: Уставда назарда тутилган фаолият доирасида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар; даволаш ва тиббий хизматлар қиймати, ногиронлиги бўлган шахсларни профилактика ва реабилитация қилиш учун техник асбоб-ускуналар олиш;	очиқ оферта шартларисиз амалга оширилганда; солиқ тўловчи ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мамлакатимиздаги ва чет эл ташкилотларининг дастурларига, уларда акцепт муддати ўттиз кундан кам ва (ёки) уларда оммавий офертани муддатидан олдин чақириб олиш имконияти назарда тутилган шартлар асосидаги очиқ офертага қўшилганда; ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотчи билан лавозим мажбуриятларини бажаришда меҳнат муносабатларида бўлган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёки моддий ёрдам сифатидаги тўлов шаклидаги даромад тўланганда. 15) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия, экология жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан ташкил этилган бошқа жамғармалар томонидан кўрсатилган ёрдам: Уставда назарда тутилган фаолият доирасида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар; даволаш ва тиббий хизматлар қиймати, ногиронлиги бўлган шахсларни профилактика ва реабилитация қилиш учун техник асбоб-ускуналар олиш;

Старая редакция	Новая редакция
жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб, товарлар ва хизматларни етказиб берувчидан олиш; хайрия мақсадида бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш (бундан пул шаклида қўллаб-қувватлаш мустасно). 16) солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган дастурларда иштирок этиши натижасида олинган бонуслар, пул мукофотлари тарзидаги пул тўловларидан иборат даромадлари.	жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб, товарлар ва хизматларни етказиб берувчидан олиш; хайрия мақсадида бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш (бундан пул шаклида қўллаб-қувватлаш мустасно). 16) солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган дастурларда иштирок этиши натижасида олинган бонуслар, пул мукофотлари тарзидаги пул тўловларидан иборат даромадлари.
428-модда. Солиқ имтиёзлари Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради: маданият, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари банд қилган ерлар мустасно) ва ижтимоий таъминот объектлари эгаллаган ерлар; спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари ва болалар-соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар; шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари	428-модда. Солиқ имтиёзлари Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради: маданият, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари банд қилган ерлар мустасно) ва ижтимоий таъминот объектлари эгаллаган ерлар; спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари ва болалар-соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар; шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари

Старая редакция	Новая редакция
ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар; аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш иншоотлари (магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, оқова сувларни чиқариб юбориш коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар); магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар; иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан	ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар; аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш иншоотлари (магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, оқова сувларни чиқариб юбориш коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар); магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар; иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан

Старая редакция	Новая редакция
сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар; сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади;	сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар; сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологиялари жорий этилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади;

Старая редакция	Новая редакция
қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида; мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга; илмий ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар ва ўрмон фондининг ерлари. Ушбу **бандга** мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади. қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта	қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида; мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга; илмий ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар ва ўрмон фондининг ерлари. Ушбу **хатбошига** мувофиқ мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади. қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта

Старая редакция	Новая редакция
металл конструкциялари, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкалари; қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати қуйидагича бўлган алоҳида турувчи қурилмалари билан банд бўлган ер участкалари: 100 кВтгача — қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йил муддатга, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса — ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга; 100 кВт ва ундан кўпроқ — улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга. Янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ер участкалари (дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар) учун беш йил муддатга 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўланади. Бунда ваколатли орган томонидан боғлар ва токзорларни иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва ҳосилдорлиги паст деб топиш тўғрисидаги	металл конструкциялари, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкалари; қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати қуйидагича бўлган алоҳида турувчи қурилмалари билан банд бўлган ер участкалари: 100 кВтгача — қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан уч йил муддатга, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса — ушбу панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга; 100 кВт ва ундан кўпроқ — улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил муддатга. Янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ер участкалари (дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар) учун беш йил муддатга 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўланади. Бунда ваколатли орган томонидан боғлар ва токзорларни иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва ҳосилдорлиги паст деб топиш тўғрисидаги

Старая редакция	Новая редакция
хулоса берилган кундан эътиборан ўн икки ой ичида янги боғлар ва токзорлар барпо этилмаган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаси уч баравар миқдорда оширилган ҳолда белгиланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган солиқ имтиёзи муддатини ҳисоблаш кузда янги ўтқазилган кўчатлар учун кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан, баҳорда янги ўтқазилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади. Ушбу моддада белгиланган солиқ имтиёзлари бевосита мўлжалланилган мақсадда фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.	хулоса берилган кундан эътиборан ўн икки ой ичида янги боғлар ва токзорлар барпо этилмаган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаси уч баравар миқдорда оширилган ҳолда белгиланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган солиқ имтиёзи муддатини ҳисоблаш кузда янги ўтқазилган кўчатлар учун кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан, баҳорда янги ўтқазилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади. Ушбу моддада белгиланган солиқ имтиёзлари бевосита мўлжалланилган мақсадда фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.